

Мункарни тўхтатинг



22:12 / 23.11.2017 4552

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, юртимиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тараққий этиб борапти. Бир томондан иқтисодиётимиздаги силжишлар яққол кўзга ташланаётган бўлса, иккинчи томондан халқимизнинг дину диёнати йўлида қилинаётган хайрли ишлар кўзимизни қувонтиряпти.

Сўнгги йилларда ҳукуратимиз жамиятда пайдо бўлиб, камайиш ўрнига кўпайиб бораётган кўпгина нохуш ҳолатларни муолажа қилишга айнан дин ходимларини, имом-хатибларни жалб қилаётгани қувончли ҳолдир. Бунинг сабаби шуки, ҳар қандай муаммо динсизликдан, динни билмасликдан, илм-маърифат йўқлигидан, жаҳолатдан келиб чиқади. Шунинг учун аввал муаммонинг сабабини аниқлаб, сўнг ўша сабабни бартараф қилинсагина масала ҳал бўлади.

Давлатимиз раҳбари жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилган мажлисда айнан мана шу ҳақиқатни илгари сурдилар. Жиноят ўз-ўзидан содир бўлмаслиги, жиноятнинг оқибати билан курашиш эмас, балки унинг олдини олиш, уларнинг содир бўлишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф этиш зарурлиги

таъкидладилар. Юртбошимиз бевосита имом-хатибларга мурожаат қилиб, дин ходимлари жинойтчиликка қарши курашда камарбаста бўлишлари лозимлиги ҳақида сўзладилар.

Жинойтчиликнинг тобора урчиб бораётгани, энг ачинарлиси, ёшлар ва аёллар орасида жинойтчиликнинг кўпайиб кетгани халқимиз учун ниҳоятда уятли ҳолат бўлса-да, давлатимизнинг бу долзарб масалани ҳал қилишда айнан дин ходимлари, имом-хатибларимизга мурожаат қилиши ниҳоятда қувонарлидир. Зеро, халқнинг бошига тушган мусибатни даф қилиш биринчи навбатда мўмин-мусулмонларнинг, диндорларнинг зиммасидаги масъулиятдир.

Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, эндиликда дин ходимлари фақат диний маросимларни ўтказиб берадиган хизматчи эмас, балки жамиятни соғломлаштириш ҳақида, юртнинг равнақи, халқимизнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган юксак мартабали инсонлар мақомига кўтарилмоқда.

Нима учун жинойтчиликка қарши курашиш биринчи навбатда дин ходимларининг вазифаси бўлиши керак? Чунки ҳар бир жинойт – Аллоҳ таолога исёнidir. Ҳар бир жинойт Қуръони Каримга, суннатга, шариатга хилофдир, мункар ишдир. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир мункарга қарши курашга чақирганлар.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Қайси бирингиз бир мункар ишни кўрса, қўли билан қайтарсин. Бунга қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин. Бунга ҳам қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин. Аммо бу энг заиф иймондир».**

Мункар иш – динимизда, шариатимизда инкор қилинган, қайтарилган ҳар қандай ёмон ишдир. Мўмин-мусулмон одам ўз жамиятида содир бўлаётган мункар ишни кўриб-билиб турган бўлса, лоқайдлик қилиши мумкин эмас. Мўмин одам аввало бу мункарни бевосита ўзи, ўз қўли билан қайтаради. Уламоларимиз мункарни қўл билан қайтаришни давлат раҳбарининг, жамиятда қонун-қоида, тартиб-интизом ўрнатишга масъулларнинг жинойтчиликка қарши кураши деб изоҳлаганлар. Кичик бир мункар ишни ҳар ким ҳам тўхтатиши керак, аммо жинойтнинг кўлами кенг, унга қарши жамият миқёсида, давлат миқёсида курашиш лозим бўлса, бу иш мутасаддилар, масъулларнинг зиммасидадир. Давлатимиз раҳбарининг жинойтчиликка қарши курашни кучайтириш борасида саъй-ҳаракатлари

ҳадиси шарифнинг айнан шу қисмига оиддир.

Аммо барча масъулиятни раҳбарларга юклаб қўйиб, қўл қовуштириб ўтирилмайди. Мункарни қўли билан қайтара олмаган одам тили билан қайтариши лозим. Мункарни тил билан қайтариш айнан уламоларнинг, имом-хатибларнинг, зиёлиларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вазифасидир, ҳар биримизнинг бурчимиздир, ҳар бир имкони бор мўмин-мусулмон учун вожиб амалдир. Мўмин одам мункарни қўли билан қайтара олмаса, уни амру маъруф, наҳйи мункар йўли билан қайтаради, мункар ишнинг ёмонлигини баён қилади, уни қилмасликка чақиради.

Ҳадиси шарифнинг учинчи қисмида мункарни қўл ёки тил билан қайтаришдан ожизлик иймоннинг заифлигига далолат қилиши айтилмоқда. Демак, мутлақо имкони йўқ одам ҳеч бўлмаганда бу нохушликларга қалбидан норози бўлиши, бефарқ бўлмаслиги лозим экан. Бефарқлик билан, лоқайдлик билан шу ҳолатгача келдик. Бироқ энди аввалгидек яшаб бўлмайди. Замоннинг шиддати тез, ахборот асрида ёшларнинг онгига хуружлар кўпайиб боряпти. Шунинг учун энди ҳар бир мункарга, ҳар бир жинойтга қарши бир тану бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб курашишимиз лозим. Чунки бунинг ортида ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг келажаги, халқимизнинг келажаги, Ватанимизнинг келажаги турибди.

Ушбу ҳадисдан келиб чиқадиган ҳикматларнинг нақадар муҳимлиги бугунги кунда айниқса яққол сезилмоқда. Зеро, ёмонлик, мункар иш, жинойт қилаётган одамни бу йўлдан қайтармаслик ҳар қандай жамиятни, бора-бора бутун инсониятни ҳалокатга олиб бориши муқаррардир.

Жинойтнинг сабаби – бу ишнинг жинойт эканини, мункар эканини, гуноҳ эканини билмасликдир, жоҳилликдир. Аввал ана шу сабабни йўқотиш керак, жаҳолатга қарши курашиш керак. Бир ишнинг гуноҳ эканини билган мўмин одам албатта ундан қайтади. Жинойтнинг қайси бир турини олиб қараманг, шариатимизга хилоф бўлиб чиқади. Одам ўлдириш, ўғрилиқ, зинокорлик, порахўрлик, судхўрлик – буларнинг барчаси инсонни иймонидан айирадиган, шариат ҳаром қилган гуноҳлардир. Шундай экан, одамларга бунинг гуноҳлигини тушунтиришимиз лозим. Буни ким тушунтиради? Аввало, ота-она. Тарбия уйдан, оиладан бошланади. Кейин бола боғчага борса, тарбиячи, мактабга борганда, ўқитувчиси тушунтириши керак. То бир бола улғайиб, катта ҳаётга қадам қўйгунича унга ота-онаси, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй, ўқитувчилари, мураббийлари устозлик қилиши лозим. Исломда азалдан шундай бўлган.

Ҳар бир инсон атрофидагиларни мункар ишдан қайтарган, ҳеч ким ўзини бу масъулиятдан холи деб билмаган. Шунинг учун мусулмон халқлар бутун дунёга иймонда, ихлосда, илм-маърифатда, одоб-ахлоқда намуна бўлишган.

Бугун эса Бухорийлар, Термизийлар юртида жинойтчиликка қарши кураш долзарб муаммога айланиб қолди. Динимизга, менталитетимизга мутлақо ёт бўлган жинойтларга қарши курашишга мажбур бўляпмиз. Бу эса халқимиз учун ор-номусдир. Ёшларнинг, айниқса аёлларнинг жинойт кўчасига кириши бу борада қилиниши лозим ишлар жуда кўплигини кўрсатяпти. Энди бу мусибатга қарши бутун халқ оёққа туриши, ҳамма сафарбар бўлиши керак. Ҳар биримиз ишни аввало ўзимиздан, оиламиздан, маҳалламиздан бошлашимиз лозим. Ўзимизни ислоҳ қилсак, оила ислоҳ бўлади. Оила ислоҳ бўлса, бутун жамият ислоҳ бўлади, иншааллоҳ.

Давлатимизнинг бугунги талаби ана шу барчага ўрناк бўлган маънавиятимизни тиклаш, ёшларга одоб-ахлоқимизни, миллий қадриятларимизни, маънавиятимизни, урф-одатларимизни сингдиришдир.

Аллоҳ таоло жамиятимизни барча мункарлардан тозалашимизда Ўзи мададкор бўлсин, хайрли ишларимизни бардавом айласин!

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Юнусобод туман бош имом-хатиби,
Тошкент Ислон Институти ўқитувчиси,
«Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби